



**Ё Расулуллоҳ, Жиҳодни энг яхши амал деб
биламиз, жиҳод қилмаймизми?», - дедилар.
Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:
«Йўқ, лекин энг афзал жиҳод — мабрур ҳаж», -
дедилар**

Мўминлар онаси Оиша разияллоҳу анҳо: «Ё Расулуллоҳ, Жиҳодни энг яхши амал деб биламиз, жиҳод қилмаймизми?», - дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Йўқ, лекин энг афзал жиҳод — мабрур ҳаж», - дедилар.

[Саҳиҳ] [Имом Бухорий ривояти]

Саҳобаи киромлар Аллоҳ йўлида жиҳод қилишни ва унинг душманлари билан урушни энг яхши амал деб билар эдилар. Оиша разияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан жиҳод қилишга изн сўради. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллар ҳаққидаги энг яхши жиҳод Китоб ва суннатда келгани каби гуноҳ ва риёдан саломат бўлган мабрур ҳажга йўллаб қўйдилар.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/2759>

